

БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

Чимирбаева Багнур Бекетовна

*17-сонли умумтаълим мактабининг 2-тофали бошланғич синф
ўқитувчиси, Чирчиқ ш. Ўзбекистон Республикаси.*

Аннотация: мақолада бошланғич таълимда кластер усулида фойдаланишнинг механизмлари тахлил этилган ва мазкур масала бўйича методик тавсиялар тақдим қилинган.

Калит сўзлар: таълим, бошланғич, кластер, усул, механизм, фойдаланиш, асос, метод, методология, назария, амалиёт.

PRINCIPLES OF PRIMARY EDUCATION SYSTEM DEVELOPMENT

Chimirbayeva Bagnur Beketovna

*primary school teacher of the 2nd category of secondary school in
Chirchik, Republic of Uzbekistan.*

Abstract: the article analyzes the mechanisms of using the cluster method in primary education and provides methodological recommendations for this issue.

Keywords: education, primary, cluster, method, mechanism, use, foundations, methods, methodology, theory, practice.

Ўзбекистон умумий ўрта таълим тизимининг ҳозирги ривожланиш босқичида ўқитишнинг турли усулларида фойдаланиш долзарб бўлиб турибди [1]. Шу маънода умумий ўрта таълимнинг негизи бўлган бошланғич таълимни амалга оширишда сифат ва самарадорликка олиб келувчи усуллардан фойдаланиш, бундай усулларнинг методологиясини ишлаб чиқиш долзарб ҳисобланади. Чунки ҳар бир усул замонавийлиги, қулайлиги ва осонлиги билан таълимни ривожлантиришга хизмат қилиши керак. Бу борада бошланғич таълимда кластер усулидан фойдаланиш ва унинг механизмларини ишлаб чиқиш тақозо этилади.

Бошланғич таълимнинг ўқитишнинг кластер усулидан фойдаланиш илмий, инновацион ва методик тажрибаларнинг уйғунлигига таянади. Бунда назария, амлиёт ва истиқболли йўналишлар биргаликда ўқитишнинг сифат ва самарадорлигаг ижобий таъсир этиши билан аҳамиятга эга бўлади. Шу жиҳатдан бу ўринда бошланғич таълимда кластер усулидан фойдаланишнинг механизмларига эътиборингизни тортамыз.

Биринчи механизм-ўқув дарсликларини янги вариантыни тайёрлаш. Бунда бошланғич таълимда ўқитиладиган ўқув фанлари қуйидаги блоклар бўйича электрон-модулли усулда тайёрланиши мақсадга мувофиқ бўлади [2]:

- гуманитар фанлар;
- табиий фанлар;
- аниқ фанлар.

Мазкур туркумларда тайёрланадиган янги авлод дарсликлари мавзу, матн ва воситалар жиҳатидан туркумли-умумий хусусиятга эга бўлади. Мисол учун, “Ўқиш ва она тили” ўқув фани билан “Тарбия” ўқув фанининг материаллари бир-бирини тўлдирувчи ва узвий хусусиятга эга тарзда тузилиши керак. Шу тариқа ҳар бир блокдаги фанлар дарсликлари ўзаро уйғунлик тамойили асосида тузилади.

Иккинчи механизм-ўқув дарсликларини тайёрлаш. Бунда қуйидаги механизмларга асосланиш мақсадга мувофиқ бўлади:

- фанлар бўйича илмий мутахассислар имкониятларидан фойдаланиш;
- таниқли ва тажрибали педагогларнинг имкониятларидан фойдаланиш;
- амалий фаолиятдаги ўқитувчиларнинг имкониятларидан фойдаланиш.

Мазкур механизмда ҳар бир иштирокчининг вазифаси мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

Илмий ходимлар вазифалари:

- дарсликларнинг мавзуларини илмий асослаш ва улар учун илмий фактларни тақдим этиш;

- дарсликларнинг илмий аппарати ва абробациясини амалга ошириш;

- дарсликларнинг илмий методологиясини ривожлантириб бориш.

Тажрибали педагогларнинг вазифалари:

- дарсликларнинг методологик асосларини ишлаб чиқиш;

- дарсликларнинг матнини ёзиш ва жойлаштириш;

- дарсликларнинг методик жиҳатларини назорат қилиб бориш.

Амалий фаолиятдаги ўқитувчиларнинг вазифалари:

- дарсликларни тажриба-синов ишларидан ўтказиш;

- дарсликларнинг сифати бўйича хулосаларни бериш;

- дарсликларни такомиллаштиришга дори амалий таклифларни бериб бориш.

Эътибор берилса, бошланғич таълимнинг янги авлод дарсликларини кластер усулида тайёрлашнинг ўзига хос механизми кўпчиликнинг ўзаро ҳамкорлиги ва тажрибаси асосида яратилади. Шу сабабли бундай дарсликлар назарий, методик ва технологик жиҳатдан мукамал бўлади.

Учинчи механизм-бошланғич таълимни ривожлантириш. Бунда қуйидаги механизмларга асосланиш кутилган самарна беради:

- илмий ташкилотилар билан бошланғич таълимни ривожлантиришнинг янги илмий-методологик асосларини ривожлантириб бориш;

- педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари билан бошланғич таълимнинг муаммоларини ўрганиб бориш, уларнинг ечимлари бўйича назарий-методик ишланмалар яратиш ва амалиётга жорий этиш;

- бошланғич синф ўқитувчилари билан бошланғич таълимнинг ютуқлари ва камчиликларини мониторинг қилиб бориш ҳамда бу борада истиқболли йўналишларни белгилаш.

Мазкур механизм воситасида бошланғич таълимни муддатли, истиқболли ва босқичли ривожлантириб бориш имкониятларига эга бўлинади.

Эътибор берилса, бошланғич таълимда кластер усулидан фойдаланишнинг муҳим механизлари мавжуд бўлиб, бугунги кунда мазкур механизмлардан фойдаланишнинг асосларини ишлаб чиқиш долзарб бўлиб турибди. Шу сабабли бу борада бизнингча, қуйидагиларни йўлга қўйиш кутилган самарни беради:

- бошланғич таълимда кластер усулидан фойдаланиш муаммолари бўйича илмий тадқиқотлар мавзуларини белгилаш ва улар бўйича изланишларни йўлга қўйиш;

- бошланғич таълимда кластер усулидан фойдаланиш бўйича амалга ошириладиган илмий тадқиқот ишларига талабаларни ҳамда амалий фаолиятдаги олий маълумотли бошланғич синф ўқитувчиларини кенг жалб этиш;

- ТВЧДПИнинг “Мактаб-лаборатория” кластер усулини оммалаштириш ва ундан амалий фаолиятда кенг фойдаланиш;

- бошланғич таълимда кластер усулидан фойдаланишга доир илмий ишланмалар, ўқув адабиётлари ва технологик жараёнларни мониторинг қилиб бориш.

Бу тадбирларни амалга ошириш натижасида бошланғич таълимда кластер усулидан фойдаланишнинг механизмларини такомиллаштириш имкониятига эга бўлинади.

Кластер усули бошланғич таълимнинг сифатини кучайтириш, ўқув фанлари дарсликларини такомиллаштириш ва бошланғич таълимнинг амалий натижаларига эришишда ҳамкўрлик тамойилига таяниши билан муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли мазкур усулдан фойдаланишнинг механизмларини ишлаб чиқишда биз илмий ходимлар, тажрибали педагоглар ва амалий фаолиятдаги бошланғич синф ўқитувчиларининг

илмий, амалий ва методик ҳамкорлигини йўлга қўйиш кутилган самарани беради деб ҳисоблаймиз.

Бошланғич таълимда кластер усулидан фойдаланишнинг механизмлари бўйича амалий тажрибалар энди шаклланмоқда. Шу сабабли бу борада илмий ва амалий педагогик тажриба синов ишларини ўтказиб боришдан чўчимаслик лозим. Бунда фақат профессор-ўқитувчилар, талабалар ва бошланғич синф ўқитувчиларининг фаоллиги, ҳамкорлиги ҳамда алоқадорлигини кучайтириш тақозо этилади. Асосий мақсад бошланғич таълимни илмий, методологик ва технологик жиҳатдан ривожлантиришда кластер усулидан фойдаланишдир. Шу сабабли таълимни ташкил этувчилар, таълим олувчилар ва таълимни амалга оширувчиларнинг манфаатлари кластер усулида тенг таъминланади.

Бошланғич таълимда кластер усулидан фойдаланишнинг механизмларини ишлаб чиқишда илмий кузатишлар, индивидуал тажрибалар ва амалий натижаларга асосланиш кутилган самарани беради. Бу борада илмий-амалий тадқиқотчиликни йўлга қўйиш долзарб бўлиб турибди.

Адабиётлар:

1. Аметовна, Ю. Т., & Назаровна, К. Х. (2020). Применение интеграции при обучении русскому языку в национальных группах. Суз санъати, (3).
2. Yuldasheva, T., & Kadirova, K. (2020). Teaching Russian with Innovative Approach. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences, 8(7).
3. Юлдашева, Т. А. (2021). МЕТОДЫ ИССЛЕДОВАНИЯ В МЕТОДИКЕ ПРЕПОДАВАНИЯ РУССКОГО ЯЗЫКА. Academic research in educational sciences, 2(2).
4. Ametovna, Y. T. (2021). FEATURES OF THE METHODOLOGY OF TEACHING RUSSIAN AS A FOREIGN UNIVERSITY. International Engineering Journal for Research & Development, 6(ICDSIIL), 3-3.
5. Yuldasheva, T. A. (2020). BOSHLANG 'ICH SINFDA IZOHLI O 'QISH JARAYONINI QO 'LLASH. Science and Education, 1(Special Issue 2).